



1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



YOSHILAR OVOZI

№34 (16339) 2019-YIL 27-APREL, SHANBA O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi www.yoshlarovozi.uz yoshlarovozi@mail.ru @Yoshlarovozi

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ”: ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ПЕКИН, 26 апрель. Ў.А. махсус мухбири
Матинар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми очилиш маросимидан сўнг икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Форум ишида 40 дан зиёд хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин анжуманини очиб, унда иштирок этаётган барча хорижий делегациялар раҳбарлари, кўп сонли эксперт ва таҳлилий доиралар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Хитой Раиси БМТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” кўшма лойиҳаси иқтисодий ривожланишга кенг йўл очилиши, шу жиҳатдан у турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келишини таъкидлади. Лойиҳани биргаликда ҳаётга жорий этиш бутун дунёда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда муҳим роль ўйнаши кайд этилди.

2017 йилда илк бор ўтказилган

“Бир макон, бир йўл” халқаро форуми икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги моделини ишлаш, шакллантириш ва ҳаракатлантиришга йўналтирилган лойиҳа сифатида эътироф этилмоқда.

Хитой илгари сурган мазкур ташаббус икки йўналиш – куруклик ва денгиз йўллари ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳозирги кунда у Осиё, Европа ва Африкадаги 65 мамлакатни қамраб олган. Келгусида унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши натижасида глобал иқтисодий маконга айланади.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг асосий максалларидан бири глобал эркин савдо тартибини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Европа ва Африка мамлакатлари ўртасида интеграцияни кенгайтиришга қаратилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бутун лойиҳанинг тахминий иқтисодий қўлами 21 триллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат лойиҳада қатнашиш истагини билдирган, 40 дан зиёди Хитой би-

лан ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаган. Натижада 2013 йилдан 2017 йилгача Хитой ва “Бир макон, бир йўл” лойиҳасига қўшилган мамлакатлар ўртасида ташқи савдо айланиши 4,8 триллион АҚШ долларига етди, йиллик ўсиш 4 фоиз ошди.

Хитой лойиҳа доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни назарда tutuvchi “мослашувчан механизмлар”ни қўллаб келмоқда. Хитойнинг транзит-логистика соҳасига оид лойиҳалари Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқиши, бошқа давлатлар билан саноат кооперациясини мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистон биринчилар қаторида “Бир макон, бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлади ва унинг аъзо-таъсисчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз учун денгиз портларига чиқиш жуда муҳим. Шу боис, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка бозорларига чиқиш имконини берувчи халқаро транспорт йўлақларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

FOTOLAVHA

ПОПДА “ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ПОЧТАСИ”



Лойиҳа муаллифи — Поп тумани Найман қишлоғидаги 45-умумтаълим мактабининг ёшлар етакчиси — Фарида Турғунова. Қишлоқда 611 нафар ёш истикомат қилади. Мазкур та-

шаббус билан Иттифок муассислигида чоп этиладиган газета-журналлар ёшлар қўлига, жумладан, кам таъминланган ўқувчилар хонадонига ўз вақтида етказилмоқда.

Лойиҳани бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш режалаштирилган.

Абдурауф АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Поп тумани кенгаши бош мутахассиси

KUN MAVZUSI

“ШАРАФ ЛЕНТАСИ” УЛАШИЛДИ

Пойтахтимизда Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган ҳамюртларимизга хурмат-эҳтиром рамзи сифатида “Шараф лентаси”ни улаштириш акцияси ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши биноси олдида бўлиб ўтди. Унда Ёшлар иттифоқи раҳбарияти, илм-фан намояндалари, таниқли санъаткорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Акция давомида Иттифок фаоллари ва кўнгилли ёшлар миллий



байроғимиз рамзи туширилган “Шараф лентаси”ни йиғилганларга улаштириш. Тадбир Халқлар дўстлиги майдони, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳамда Сайилгоҳ кўчасида ҳам давом этди.

— Мазкур акция сабаб урушда юртни ҳимоя қилиш учун жангга отланган, Ватанга шараф билан хизмат қилган юртдошларимизни хотирлаймиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Зеро, хотира — гўзал. Ватан ҳимояси учун жон фидо қилган аждоғларимизга муносиб фарзанд бўлиш ҳар бир ёшнинг бурчидир.

Жамшид МУСУРМОНОВ

BURCH

ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Тинимсиз ёққан ёмғир мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида сел ва тошқинларни келтириб чиқарди. Табиий офат Жиззах вилоятини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, Ғаллаорол тумани Молтоп қишлоғидаги олти-та хонадон сув остида қолган.



— Сел келиши оқибатида уйимизни шошилинч равишда тарқ этишга мажбур бўлдик, — дейди Хамидулло Отабоев. — Ҳамма саро-

симага тушганди. Ўзимиз билан ҳеч нарсани олиб кетолганимиз йўқ. Саховатпешалик, дўст-биродарини оғир кунда ёлғиз-

латиб қўймаслик халқимизга хос хислат. Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши селдан талафот қўрган юртдошларимизнинг хонадонларини тиклашга киришди.

Молтоп ва Губдун қишлоқларида ўтказилган ҳашарда Миллий гвардиячилар ҳамда олий таълим муассасаларининг юз нафар талабаси иштирок этди. Йиғитлар ҳовли-жойларни лой ва балчиқдан тозаллади. Табиий офатдан жабр кўрган оналар фарзандларига Иттифок ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, бадий китоблар етказиб берилди.

Саховат акцияси тугагани йўқ. Эндилликда Ёшлар Форуми ва Шароф Рашидов туманлари аҳолисига ёрдам бермоқда.

Роҳатой ҚОДИРОВА

ESHITDINGIZMI?

ИЮНЬ — “ЁШЛАР ОЙЛИГИ”

Жорий йилнинг июнь ойи республикаимизда “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилиниб, қатор маданий-маърифий тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда республикаимиз ҳудудларида Ёшлар ойлигини ўтказиш ва Ёшлар кунини кенг нишонлаш бўйича Концепция ҳамда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Тадбирларини самарали ташкил этиш мақсадида Республика ташкилий кўмитаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, маънавий-маърифий савиясини ва фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳа доирасида “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари, “Бахтли оила курамыз” шiori остида ихчамлаштирилган намунали тўйлар, ҳудудлар-

да барпо этилган “Ёшлар меҳнат гузаро” комплекслари ва “Ёш тадбиркор” коворкинг марказларини фойдаланишга топшириш маросимлари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи, етакчилик қобилиятини намоён этган, ватанпарвар, юрт келажигига дахлдорликни ҳис қиладиган 14 нафар йиғит-кизга олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

Мухбиримиз

YUKSALISH

Венера ЮСУПОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти:

— 2017 йилда Лондондаги Rose Bruford коллежида саҳна нутқи бўйича мазака оширдим. Режиссёр талабига биноан, спектаклни саҳналаштиришдан олдин икки ой давомида саҳна нутқи билан шугулландик. Чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам бизни илқ қутиб олди. Ўзбек тилида намоён этилишига қарамай, бу асарни ҳамма бирдек билгани сабаб, барчаси томошабин учун тушунарли бўлди. Бундан кейин ҳам мазкур таълим муассасаси билан бирга янги ижодий лойиҳалар устида ишлаб, театр соҳасидаги ҳамкорлигимизни давом эттириш ниятидамыз.



Тарихга назар солсак, 1935 йилда ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида “Ҳамлет” трагедиясининг премьераси бўлган эди. Режиссёр Маннон Уйгур саҳна-

лаштирган асарда актёр Абдор Ҳидоятлов Ҳамлет ролини маҳорат ила ижро этгани ўзбек театр санъати тарихида катта воқеа бўлган эди. Мазкур спектакль кетма-кет 21 кун намоён этилган. Абдор Ҳидоятлов жонлантирган Ҳамлет образи нафақат ўзбек, балки жаҳон томошабинларини ҳам қойил қолдирган.

Буюк санъаткорларимизга муносиб издош бўлаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари Буюк Британиянинг машҳур Rose Bruford коллежида ҳар йили ўтказиладиган “Талабалар-спектакллари” фестивалида қатнашди. Тенгдошларимиз режиссёр Расул Тагайқулов ҳамда британиялик Жон Такер томонидан саҳналаштирилган “Ҳамлет” спектаклини ўзбек тилида томошабинларга намоён этиди.



Бу санъатимизни дунёга танитиш ва соҳани янада ривожлантиришда катта қадим. Олдинда эса ижодий ҳамкорлик давом этади.

Мазмюра ХЎЖАҚУЛОВА

Бунёдбек
РЎЗИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси:

— Трагедияда бош қаҳрамон ролини ижро этдим. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлди, албатта. Сабаби кичик хатолик ҳам томошабин диққати ва ишончини йўқотиши мумкин. Тайёргарлик жараёнида сўзларни ёд олиш ва томошабинга етказиш, саҳна маданияти сирларини янада чуқурроқ ўргандим. Ҳамлет бўлиб яшадим, унинг дардини, кечинмаларини ҳис этдим.

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ”: ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Бошланғич 1-саҳифада).

Жумладан, 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа худудлари билан боғловчи “Ангрен-Пош” электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бунидан ташқари, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очди. Натijaда мамлакатимиздан Хитой ва Ўрта Шарққа тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзга келди, юк ташуш вақти 5-6 суткага қисқаради. Янги автомобиль йўллари, жумладан, “Андижон-Ўш-Ирқитом-Қошғар” қатновини очиб минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.

2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Хитойдан ва Хитойга темир йўл транспорти орқали ташушда 2017 йилга нисбатан 18,2 фоиз ўсиш кузатилди. Импорт юкларини ташушда 25,8 фоиз ўсишга эришилди.

Анжуманинг очилишида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, мамлакатларнинг иқтисодий бошқарув тажрибаларини тақомиллаштириш, янги транспорт ва логистика йўлаклари яратилишини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар хусусида сўз юритилди. Ушбу лойиҳада иштирок этган мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани дунё миқёсида барқарор ривожланишга интилиш кучаяётганини ифода этиши таъкидланди.

Халқаро форумнинг биринчи куни Халқ вакиллари кенгаши уйда талбир иштирокчилари шарафига ташкил этилган гала-концерт билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев шу куни Пекинда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ли Чжаньшу билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумининг ўтказилиши ҳамда унинг доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпин илгари сурган ташаббусларнинг амалга оширилиши халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга, кенг минтақамизда дўстлик, яхши кўнанишчилик ва ўзаро англашув муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Раиси билан учрашувда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгилаб олинган, улар икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши кайд этилди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларида юксак даражага эришганини мамнуният билан кайд этди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда алоқалар янада фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг қонуни чикарувчи органлари ўртасида ҳамкорлик борасида илҳомий тажриба тўлланган. Парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам ўтказилиб, бу борадаги шериклик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда олий даражада эришилган қилишувлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Бунидан ташқари, парламентларо мулоқот мамлакатларимиз ҳамкорлигини амалий мазмун билан бойитиш, янги дас-

тур ва лойиҳаларни илгари суришга хизмат қилиши кайд этилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ўзбекистон билан Хитой ўртасида эришилган қилишувларни амалга ошириш ва кенг қўламли шерикликни янада ривожлантиришга амалий хисса қўнишга тайёрлигини билдирди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотларни, уларнинг реал натижалари ва самардорлигини юксак баҳолади. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевни ўз сиёсати ва ислохотлари миқёси ва максаллари нуқтаи назаридан тўла асос билан Хитойнинг буюк ислохотчиси Дэн Сяопинь билан таққослаш мумкин.

Учрашув якунида парламентларо алоқаларни фаоллаштириш ҳамда самарали ислохот ва янгиликларни амалга ошириш борасидаги тажрибани чуқур ўрганиш мақсадида қўшма тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Президентимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бош қотиби самийи қутлаб, Самарқанд ва Нью-Йорк шаҳарларида ўтган мазмунли суҳбатларни мамнуулик билан эслашини, ушбу мулоқотлар Ўзбекистон билан БМТ институтлари ва ташкилотлари ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев Самарқанддаги Марказий Осиё бўйича ва Тошкентдаги Афғонистон бўйича халқаро конференцияларни, Самарқанд шаҳрида ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ва бошқа тадбирларни шахсан қўллаб-қувватлагани учун Антониу Гутерришга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Бош қотибининг БМТни ислох қилиш, халқаро ҳавфсизлик ва барқарорликни, изчил тараққиётни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини кайд этди. Ушбу ислохотлар Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган қатъий ислохотларни фаол давом эттиришга хизмат қилишини таъкидлади.

БМТ Бош қотиби Президентимиз билан яна бир бор учрашиб турганидан мамнуу эканини таъкидлаб, Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ва минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, маънавият, таълим, экология, туризм каби соҳаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётганини кайд этди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ишонч ва яхши кўнанишчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақавий барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қатъий интилоқда. Энг муаммоли масалаларнинг ечимни топилиди, барча қўшнилар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Кейинги икки йилда минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қариб 2 баробар орди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича тарихий аҳамиятга эга резолюцияси ҳамда Маърифат ва диний бағрикенглик бўйича резолюцияси қабул қилинган. Ўзбекистоннинг қабул қилинган саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи бўлди. Мамлакатимиз Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича муҳим ташаббусни ҳам илгари сурган.

БМТ Бош қотибининг қўмағи туфайли БМТ шафелигида Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолият бошлади. Оролбўйда умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Антониу Гутерриш Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Оролбўйда аҳоли турмуши сифати ва даражасини ошириш, замонавий уй-жой, иқтисодий инфратузилма ва саноат объектларини қуриш, умуман, Орол фожиясининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Оролнинг қуриган тубидаги 500 минг гектардан ортиқ майдонда химоя ўрмонзорлари барпо этилмоқда. 1,1 миллион гектар майдонда қум тутиш тизими яратилди.

Учрашувда жорий йил октябрь ойида Нукусда бўлиб ўтадиган Оролбўйда экологик инновация ва технологияларни ривожлантириш бўйича халқаро конференция якунида Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясига ушбу худудни “Экологик инновация ва технологиялар ривожлантириш бўйича халқаро диалог ҳудуди” сифатида эълон қилишга диор махус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши режалаштирилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, 2020 йилда Тошкент шаҳрида Озон қатлами эмирувичи модаллар бўйича Монреал протоколини амалга ошириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилиши кайд этилди.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазитини тинч йўл билан ҳал этиш минтақамизда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омил экани таъкидланди. Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб этмоқда, ушбу мамлакат учун савдо, инфратузилма ва иқтисодий лойиҳаларни илгари сурмоқда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун зарур қўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси

янги биносини кўздан кечирди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари барча соҳалар, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, технологиялар, энергетика, маданий-гуманитар йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Дипломатик ваколатхонамизнинг уч қаватли янги биноси фарғоналик усталар иштирокида миллий бунёдкорлик анъаналари ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида бунёд этилган. Иморат Пекин шаҳри марказидаги Чаоянг ишбилармонлик мавзесида, АКШ, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатлар элчихоналари билан ёнма-ён жойлашган.

Биринчи қаватда музокаралар, ишбилармонлик ва маданият тадбирларини ўтказишга мўлжалланган “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива”, “Қўқон” заллари жойлашган. Дарвозадан кираверишдаги айвон халқимиз анъаналари ва бой маданиятини акс эттирган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишар экан, мазкур даргоҳ миллий услубда безатилганидан мамнуулигини билдирди ҳамда у Хитой ва хитой халқининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка юксак эътибори намунаси эканини таъкидлади.

Ушбу бино халқларимизни янада яқинлаштирадиган, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирадиган, маданиятларо алоқаларни бойгадиган марказ бўлади. Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларни илҳам қилишга хизмат қилади.

Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

AKSIYA

ЧАРЧОҚ ҲАМ БИЛИНМАДИ



Иттифокнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси

билан Мўйноқ туманида “Оролга менинг хиссам” акцияси ўтказилди.

Унда ёшлар ташкилотининг Хўжайли, Шуманай, Қанликўл, Кўннирот туманлари ҳамда Нукус шаҳри кенгашлари ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, шунингдек, 300 нафарга яқин кўнчили ёш иштирок этди. Улар Мўйноқда ободонлаштириш ишларини олиб борди.

— Оролбўйи худудиди хаёт яна жонланишига ишонаман, — дейди Иттифокнинг худудий кенгаши бўлими мудири Мурат Камалов. — Бунинг учун ҳамма бир ёқадан бош чикариши керак. Бугунги акция мана шундай хайрли мақсадга қаратилган. Мўйноқни обод этишга мен ҳам ўз хиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Бир қанча дарахт кўчатларини эдим. Ҳаммамиз завқ билан ишладик. Чарчоқ ҳам билингани йўк!

Индира МАМБЕТАЗАРОВА

TASHABBUS

“ЁШЛАР МАРКАЗИ БИЛАН КЕЛАЖАК САРИ!”

Хўжайли туманидаги 1-Мехрибонлик уйида ўтказилган акция шундай номланди. Бу Республика Ёшлар маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг навбатдаги хайрли ташаббусидир.

Акция доирасида ташкилотчилар бола-жонларга ўзлари билан олиб келган кўплаб эртақ китоблар, бадий ва илмий-оммабо адабиётларни улашди. Мехрибонлик уйига парваршилаш учун бир неча бош пар-

ранда ҳам совға қилинди.

— Шунча китобни кўриб, қувониб кетдим, — дейди Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Раъно Каромова. — Мутлоаа жону дилим. Кутубхонамиздаги даярли барча асарларни ўқиб чиқсаман. Энди уларнинг сони янада кўпайди. Республика Ёшлар марказидан келган ака-опалардан қимматли ва кизикарли маълумотлар олдим. Шундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилгани маълум.

Акция доирасида ўғил-қизларга марказдаги чет тили, тасвирий санъат, сартарошлик, журналистика, компьютер саводхонлиги тўғрақлари раҳбарлари томонидан маҳорат сабоқлари ўтиди. Эслатиб ўтамин, Республика Ёшлар



марказининг Қорақалпоғистон бўлимида беш йўналиш бўйича 4 минг нафардан зиёд ёш қўшимча таълим олмақда. Марказ томонидан Хўжайли туманидаги 1-Мехрибонлик уйида рус ва инглиз тили тўғрақлари ташкил қилинган. Уларга жами 44 нафар тарбияланувчи аъзо.

Бунёдқон ЗАЙНУДИНОВ, Зулфизар ҒАНИЕВА

MUSOBAQA

ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ



Пойтахтимизда Фавкуллда вазиятлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар фуқаро муҳофазаси ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, фавкуллда вазиятларда зарур бўладиган жисмоний машқларни бажариш каби шартлар бўйича беллашди.

Ўқувчилар кизикарли ва кескин ўтган шартларда юқори жисмоний тайёргарлик, чакқонлик каби хиславларини намойиш этди.

Яқунда Учтепа туманидаги 44-мактабнинг “Адреналин” жамоаси мусобақанинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди. Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Жамшид МУСУРМОНОВ

DAVRA SUHBATI

МУЛОҚОТДАН ЯРМАРКАГА

Ёшлар иттифокнинг “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилоти касба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, оила ва ажримлар масалаларига бағишланган давра суҳбатини ташкил этди.

Тадбир қорхонага қарашли 6-мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтди. Унда “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Бекобод шаҳар бўлими, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси

вакиллари катнашди. Мутахассислар юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, аёллар саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар хақида маълумот

Бекзод КОДИРОВ, ёшлар етакчиси

БЕМИННАТ УСТОЗ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари мактаб ўқувчилари ҳамда мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига китоб улашди.

12 мингта яқин ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, бадий ва илмий, ҳуқуқий адабиётлар, хорижий тилларни ўрганиш учун қўламанлар, шеърини тўпламлар, халқ озаки ижодиёти намуналаридан иборат китоблар жамланмаси ўғил-қизларда мутлоага иштиёқни янада кучайтирди.

— Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи, — дейди Яққасарой туманидаги 172-умумтаълим мактаби ди-



ректори Зебохон Зиямухамедова. — Бу каби ташаббуслар ёшларнинг илмий, маънавияти юксак, бой тафаккурга эга етук мутахассис бўлиб етишишида

берди. Ёшларни оилавий хаётга тайёрлаш, ҳалоллик ва тўғриликка ўргатиш, фарзанд тарбиясига доир билимлар бериш муҳимлиги ҳамда бунга ҳар бир ота-она бурчи экани кайд этилди.

Давра суҳбати китоб ярмаркасига улашиб кетди. Унда ишчи-ҳодимлар ўзлари ва фарзандлари учун кизикарли бадий адабиётларини харид қилиш имкониятига эга бўлди.

Маърифий тадбирларни комбинатнинг барча цехларида ўтказиш режалаштирилган.

бекиёс аҳамиятга эга.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти “Китоб акцияси”ни ўтказди.

Институтининг ходим ва курсантлари ташаббуси билан Чилонзор туманидаги 22-Мехрибонлик уйи ҳамда Шайхонтоҳур тумани “Янги-обод” маҳалласида истикомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга китоблар совға қилинди.

Мухбиримиз

TARGIBOT

САМАРАЛИ ҲН КУНЛИК



Дўстлик туманида “Барчаси ўз қўлингда!” шиори остида тарғибот декадаси старт олди. Шу кунгача Ёшлар иттифоқи томонидан таълим муассасалари психологлари учун семинар-тренинг ҳамда ёшлар фестивали ўтказилди.

Тренинг машғулотларига Жиззах давлат педагогика институти мутахассислари жалб қилинди. Малакали тренерлар ёшларнинг жиноятчилик, шу жумладан, суицидга мойиллигини аниқлашда қўл келадиган махсус психологик тестлар хақида батафсил маълумот берди.

Ёшлар фестивалида спортсевар йигит-қизлар ўртасида кўча гимнас-

тикаси (Street work out) мусобақаси, меҳнат ярмаркаси, китобхоналар сайли, “Олам савдоси — давр муаммоси” ва “Жиноятта жазо мукаррар” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилди.


Фестиваль минг киши иштирокида гала концерт билан якунланди.

Элдор НАВРҲҲОВ. Муаллиф олган сурат.

DILKOPRIK

РУБОБ БИЛАН Вальс

ёхуд темирйул шпалларига қоқилиб эргашиган туйғулар



Ҳар тонг ва шом палласида “Сариосиё-Термиз” поезди оғир садо берганча, шаҳар вокзалига келиб тўхтади. Инсонга берилган умр сафари мазмунсиз бўлмаганидек, бу йўлга чиққанларнинг ҳам шаҳарга ташрифидан ўз муддаоси бор. Йўловчиларнинг аксарияти ўқиш, ўзлигини топиш илнжидида келган ёшлар. Комронжон ҳам юку жомасини ортмоқлаб, Термизга келганларнинг бири. Кўнглида ўзи яхши кўриб ўқийдиган шеър “Темирйул шпалларига қоқилиб”, эргашиган нималарнида олиб юргани аниқ. Бу “нималар” ўзининг, ота-онанинг ёруғ орзуларидир, эҳтимол.

ҳам тожиксиз-а?” — деди. Бирдан адабий гурунларда машҳур ёзувчи устозимиз билан бўлган воқеа ҳаёлимда жонланди.

Устоз энди университетни тамомлаб, республика радиосига ишга борган пайти анча танилиб қолган ёзувчи, радиода масъул вазифада ишлаётган адабга яқин бўлгани келадими, тожик тилида гапирди. Ўша кезлар “миллатчилик” айбини такаб кўйишдан осони йўқ эди. Масъул вазифадаги адаб бу ҳолатни атрофдагилар билиб қолса, иккисига ҳам ёмон бўлишини ёш ҳодимга тушунтирди.

Хуллас, шундан сўнг Комронни яқиндан билгим келиб қолди. Йўқ, у тожикча гаширгани учун эмас (теваракда тожикча гаширдиган озми?! Аслини олганда, тожикчани ҳам дурустрок билмайман), балки юкори даражадаги самимиетини кўриб, менда шу истак уйғонди. Қолаверса, қалби беғидир, гўзал фазилатлари бисёр инсонни ўзинг учун кашф этишдан яхшироқ иш бор эканми?

“Истеъдод билан учрашиш байрам!” деган ибора топиб айтилган. Машҳур санъаткор Ботир Зокиров расом Рўзи Чориевга ёзган шахсий мактубида шундай деган:

“Бетховен ва Мажнунлар ҳақида ўқиш, эшитиш бошқою, уни шахсан билиш, у билан кўришиб туриш, у билан ёнма-ён яшаш, булар ҳам камлик қилгандай, киши ўзини унинг дўсти деб ҳисоблаши бутунлай бошқа гап. Гапимга ишон, бу Мажнун бутунги кунимизда кўпчиликка, жуда кўпчиликка керак. Бундай Мажнун кишининг покланиши, бошқаларни ҳам поклаши, истеъдодсизлик, меҳрsizлик, эҳтиёткорликка қар-

ши нафрати янада ошиши учун ҳам ЗАРУР! Сенга муҳтож бўлган ана шундай кўпчиликнинг биттаси мен эдим...”

Менимча ҳам, истеъдод эгаси бўлган бегубор қалб соҳибни билан нурли суҳбатлардан кўра сеvim-диқдор нарса йўқ, асло йўқ! Ёш созанда Комрон Меликуловнинг ана шундай самимиети кўнглини мунаввар қилади. Аввалига, ўзим билан бўлиб, унга яхшироқ эътибор бермадим, яқиндан суҳбатлашолмадим. Бир кунги вилоят телевидениесининг “Соз сеҳри” кўрсатувини тасвирга олаётганимизда энг фаол ижрочилардан бўлган Комрон ёнимга ниманидир сўрамоқчи-дек келди-да, тожикчалаб: “Сиз

Комрон Сариосиё туманида санъаткор оиласида туғилиб ўсди. Отаси Нурали ака ўз ижроси билан воҳага танилган, ҳамон элнинг яхши қунарида хизматда. Санъаткорлик қон орқали ўтган Комронда қашқар рубобига қизиқиш уйғонди. Унинг қалби уйи яқинида янги қурилган болалар мусика ва санъат мактабига талипнардир. Ўқитувчи аммаси Махфират опа боланинг иқтидори ва иштиқига ҳавас-ла боқиб, аҳд қилди: “Сени шу мактабда ўзим ўқитаман! Зўр санъаткор бўлиб етишганимизда аммангни эслаб юрасан”. Шу тарика Комронжон соз ижросини ўрганишга киришди.

IMKONIYAT

ИМТИЁЗДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Жамиятда касблар кўп. Ҳар бирини мукамал эгаллаш учун кунт ва иштиёқ керак. Бу икки сифат бизнесда, айниқса, муҳим.

Лекин иқтисодиёт генератори бўлиши тадбиркорлик соҳасининг равнаки кўп жиҳатдан яратилган шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Бугунги кунда юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Ёшларга бир қанча имтиёзлар тақдим этилган.

Хусусан, Солиқ кодексининг 375-моддасига асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўқишни тамомлагандан кейин бир йил ичида яқка тартибдаги тадбир-

кор сифатида давлат рўйхатидан ўтса, қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Мазкур тартиб 2015 йилнинг 1 январидан амал қилмоқда.

Тахлилларга кўра, Сирдарё вилоятида юқоридаги имтиёздан даставвал 12 нафар ёш фойдаланган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 256 нафарга етди.

— Гулистон туманидаги енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежини тамомлаганман, — дейди

20 ёшли Давронбек Сайдалиев. — Оиламизда тадбиркорлар йўқ. Бу соҳани яхши билмасдим. Бир кунги Давлат солиқ хизмати ходимлари коллежимизга келиб, “Тадбиркорлик соати”ни ўтиб берди. Имтиёз ҳақида ўшанда эшитдим. Менда тадбиркор бўлиш истаги уйғонди. Ҳозирча натижа ёмон эмас.

Шухрат ЙЎЛДОШЕВ,
Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси қатта инспектори

XALQARO HAMKORLIK

ИННОВАЦИЯ — ТАЪЛИМ ТАЛАБИ

Юртимиз касб-хунар таълими тизимига инновацияларни жорий этишда туркиялик мутахассислар кўмагидан фойдаланилади. Бу бўйича Туркиянинг ТКА ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Кунги кеча Инновацион ривожланиш вазирлигида ТКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Али Исхан Чағлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда карлош давлат Миллий таълим вазирининг маслаҳатчиси Мустафа Хилми ҳам қатнашди.

Қайд этиш керак, профессор Хилми Инновацион ривожланиш вазирлиги маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб бориш учун тавсия қилинган. У инновацион соҳада

қатта тажрибага эга. Яқинда малакали эксперт Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежлари директорлари ҳамда худудий бошқармаларнинг маслаҳатчи-методистлари учун “Таълимда инновацион ёндашув” мавзуда семинар ўтиб берганди.

ТКА вакиллари билан Ўстона мулоқот чоғида Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари Шароф Ражаббеков Ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишланмаларини тижо-

ратлаштиришга туркиялик тадбиркор ва сармоядорлари жалб қилиш масаласига алоҳида тўхтади.

Эслатиб ўтамиз, Туркия Республикаси Бош вазири аппарати хузуридаги ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича бошқармаси (ТКА) 1992 йилда ташкил этилган. Ҳозир мазкур тузилма дунёнинг йигирмага яқин мамлакатда фаолият кўрсатаяпти. Унинг бош миссияси ривожланаётган давлатларнинг савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданият, таълим ва бошқа иқтисодий соҳалар бўйича юқалишига кўмаклашишдан иборат.

Н.БАХОДИРОВА

MULOHAZA UCHUN MAVZU



ТАРБИЯНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Бобом билан суҳбатлашиб ўтирсам, эшикдан укам кириб келди. Уст-бошини ҳам алиштирмай, дастурхон бошига келиб ўтирди. Илгари ҳеч бундай қилмайдиган кенжамизни кузатиб турсам, шоша-пиша овқатланди яна сумкасини елкасига ташлаганча уйдан югуриб чиқиб кетди. Билсам, мактабга — қўшимча дарсга кетган экан.

Сўрида ўтирган бобом вазиятни жимгина кузатар экан, бош чайқади. Тўғриси, мен тушунолмадим. Бобом ҳаммасини кўзларимдан уқиб олган-дек, мени ёнига чакирди.

— Илгари болалар уйда, ота-онаси билан дарс қиларди. Тўғри, дангаса, китобни хушламайдиғанлари ҳам йўқ эмасди. Биз — маҳалланинг ўн нафар ўғил-қизи мактабдан қайтгач, уйда овқатланарди-да, кейин бирон синфдошимизнинг уйида йиғилиб, вазибаларни тайёрлардик. Кечкурун

нинг истеъдоди билан одамларни гафлатдан уйғотиши, нафрат, меҳрсизлик ва виждонсизликдан асраб қолиши ҳамда гўзалликка ошно этишидир...

— Самимий дўстлик баҳоси йўқ туйғу. Сизнинг ҳам чин дўстингиз борми, Комронжон?

— Ҳа, бор...

— Дўстингизни ўзингиздан ҳам кўпроқ яхши кўра оласизми? Унинг манфаатларини ўзингизникидан устун кўя оласизми? Дейлик, соҳангиз бўйича қатта бир танловга отланиб турибсиз. Дўстингиз эса, моддий имконсизлиги туфайли қаттиқ қийналяпти. Лекин сизда ўзингизга етарли маблағдан ортиқчаси йўқ. Ўша пулларни заррача оғирмай унга тутқазиб юборишга журъат тополасизми?

Ерга тикилиб турган Комрон ўйчан холда менга назар солиди:

— Ҳа, албатта, бераман, ака!.. Кўнгли хотиржам бўлади.

Шу орада Комроннинг телефонида кўнгирик келди.

— Тошкентда ўқийдиган бир синфдошим. Ҳар кунги телефон қилади. Ҳеч мослашолмайдими, кишлоқни, сизларни соғиндим, дейди. Сўнг гапирмай ўтираверади. Нима дейишимни билмайман.

— Менинг ҳам бир синфдошим, яқин дўстим бор, исми Нурмухаммад. Тўрт йил Тошкентда ўқиб ҳам шаҳарга ҳеч сингишолмади. Уйига қайтгунча қанот боғлаб учиб келса, ўқишга кетгунча елкасига болтон-ботмон юк босилгандай залворли бўлиб қолади. Қайфият ҳам шунга монанд... Синфдошимнинг ҳолатини тасаввур қила оламан... У ҳасратларини сизга сўзсиз айтаётган бўлади. Усмон Азимнинг сатри бор-ку: “Сенга айтадиган сўзим қолмади, Сенга айтадиган жимликларим бор...”

Сиз қандай қилиб бўлса ҳам унинг кўнглига суячқ бўладиган сўзларни топиб айтинг!

— Шу... гапга қийналаман-да, ака, — дейди Комрон музтарроқ бўлиб. Чин сўзимга ҳазилнамо, қув-

ноқрок оҳанг бериб, дейман:

— Ана шунинг учун адабиётни ўқиш керак, ошна. Инсонни ўрганиш керак. Санъаткорнинг кизиқишлар доираси чегараланмаслиги лозим. Ўз қобилига ўралиб олган истеъдоддан ҳеч нима қутиб бўлмайди. Нафакат атрофдаги одамларнинг, балки дов-дарху

тоғу тошларнинг ҳам дардини, шу ҳолатда вужудда қандай туйғу кечаётганини ҳис қилиб шешр ёзиш, қўнгиқ айтиш, қуй чалиш, расм солиш — ҳақиқий санъаткорлик, истеъдодни ўраши мумкин бўлган котибларнинг парчаланишидир...

Яна савол бераман: — Уйингизни соғинасизми, Комронжон? Термизга илк келганингизда мослашишга қийналганмисиз?

— Ортга қайтгим келарди. Ака, сизга бир нарсани айтаман, лекин қулмайсиз. Уйдан онам бериб юборган конфетларни еб, қоғозини Термизнинг кўчаларига ташлаган келмасди. Тўғри, улар уйини соғинадигандек, бу ерларда қолса, азоб тортадигандек... ҳаммасини сумкамга солиб, уйга олиб кетардим.

Йўқ, ҳақиқатан ҳам Комрон ўз қобилига ўралмаган истеъдод. У соз қилганда, бутун борлиги оҳанг оғуш қилади. “Соз сеҳри” кўрсатувиди “Валенки” куйини ижро этганини кўриб, бир танишимиз ажойиб лутф қилди: “Комрон худди рубоб билан вальсга тушаётганга ўхшайди”. Эътибор бериб қарасам, ижро давомиди нозик тебраниб, ростдан ҳам рубоб билан вальсга тушаётгандек.

Бўлди, дедим. Энди Комрон ҳақида ёздиган мақоламга “Рубоб билан вальс” деб сарлавха кўяман...

Мақола сўнгида Комронжонга айтгим келди: “Сариосиё – Термиз” поезидида келадиганлар кўп, аммо Комрон, яъни сиз битта. Бу темирйул сизни шаҳри азим Тошкентга, ундан бошқа мамлакатларга ҳам олиб чиқиши мумкин. Фақат бир нарсани асранг — шпалларга қоқилиб, ортингиздан югурган туйғуларини. Чунки уларни Яратган зот қайта-қайта юбормайди. Сиз у туйғуларга кўнглингизни тўридан жой бериб; улар сизни одам тўла Ер юзидида ягона шахс бўлиб қолишингизга, ўзингизни, ўзлигингизни асрашингизга ёрдам беради.

Сирожидин ИБРОХИМ

мактабда дарсларини тайёрлаб келаяпти, ўқитувчиси назорат қилаяпти, деб ўйлайди. Фарзанд учун мактаб аслида уйдаги тарбия. Фарзанди келажакда қатта ютуқларга эришишини, вақти келиб жамиятда ўз ўрнини топишини ҳамма истади. Лекин нима учундир жамиятда жиноятчилар ҳамон учраб турибди. Менимча, тарбия инсон қалбидан бошланади. Чунки истак ҳам, шижоат ҳам қалбда туғилади.

Психологлар ҳам бу борала бир гапни такрор ва такрор айтади: ота-она фарзанд билан ҳар кунги ҳеч бўлмаганда бир соат ўзаро суҳбат қурмоғи лозим. Қиз онаси, ўғил эса отаси билан. Агар мулоқотлар онла даврасида бўлса, янада яхши.

Биз-чи, биз нима қиламиз? Боланинг бутунги кунги қандай ўтгани, қимлар билан қандай мавзуда суҳбатлашгани, ўқув қуролларини баҳолаши билан қизиқиш ўрнига эрталаб ишга кетишдан аввал бир қатор рўзгор юмушларини бўйнига ортиб қўямиз-да, кечкурун “Чала бажарибсан”, деб уни қийимиз. Бу ҳам етмаганидек, овқатдан сўнг изма-из бошланувчи телесериалларни томоша қилганча, уйкуга ётамиз.

Шу зайл вақт ўтаверади. Фарзандимиз қатта бўлмоқда дея, янада кўпроқ пул топиш пайига тушамиз, бироқ боламиз биздан узоқлашиб, тобора бегоналашиб бораётганини англаганимизда фурсатни қўлдан бой берган бўламиз.

Фарзандга тарбия беришдан аввал биз, ота-оналар уни ўзимиздан бошласак, у билан ҳар кунги суҳбатлашиб, келажак режаларини бирга талашиб, оиладаги ўрнини ҳис этди ва биздан сир яширмайди. Бу эса, ишонч дегани. Ўзаро ишонч бор жойда муваффақият бўлади.

Нигора ШОМИРОВА,
ўқитувчи

SIR

MUALLIFGA MAKTUB

Adabiyotga mehribon bo'lgan Ba'zi asarlar va yozuvchilar ko'nglimning tub-tubidan joy egallagan. Ularning fikrlash tarzi, so'z va iboralari, mualliflik uslubini qunt bilan kuzatib, sinchiklab o'rganaman.

Men ijodiga alohida hurmat bilan qaraydigan katta adiblardan biri siz — Tog'ay Murod aka!

Asarlaringizga beixtiyor sho'ng'ib ketaman. Shu on qulog'im berkiladi, xayolim jamlanadi. Bir burchakda kitob o'qib yoki yozganlarimni tahrir qilib o'tirish menga zavq bag'ishlaydi. Darsda, oshxonada, yo'lda bir og'iz ham gapiray, xayollaringa o'rallashib boraveraman. Boshqalarga qo'shilib harakat qilsam-da, eplolmayman...

Institudda tarix fani o'qituvchimiz "Paxta ishi", "O'zbeklar ishi" haqida gapir, — deb qoldi. Mazuni o'qimagan bo'lsam-da, lekin gapirdim, darsning yarmi shu bilan o'tdi. Nimani gapirding deysizmi? "Otmadan qolgan dalalar"ni-da! Darsdan keyin kursdoshlarim: "Shuncha ma'lumotlarni qayerdan olding, kitobda yo'q-ku?" — deb hayron bo'lib so'radi. Qizg'anchiqligim tutdi, aytmadim!


Ijodigiz bilan tanishishni "Yulduzlar mangu yonadi"dan boshlaganman. Asar voqealarini xuddiki yonimda turib gapirib bergandek.

Tili shunchalik sodda, o'qiganing sayin o'qiging kelaveradi. Kitobni tez o'qib tugatdim. Ammo uni "hazm" qilish uzoq cho'zildi. Asar oxirida Bo'ri polvon yulduzi mangu yonishini aytib, yoshlikdagi muhabbati — Momoqizni eslaydi. Qiziq, nega uni yodga oldi ekan? Axir, hayotini boshqa inson bilan bog'lagandi-ku! Ha, kishini fikrlashga undovchi yakun.

Insonning ko'ngli — osmon, oy — ayoli, bir chetda nur sochayotgan Zuhro yulduzi esa — pok muhabbati. Momoqiz bilan Bo'ri polvonning yo'llari ayro ketdi. Lekin yigitning sevgisi yuragining bir burchagida abadiy mulatib turaveradi. Mana sizga yana bitta abadiy yonuvchi yulduz!

Qissa ilk bor nashr qilinganida, bosh qahramonning ismi Ziyodulla bo'lgan ekan. Ammo nega Bo'ri deb o'zgartirgansiz? Balki, bo'ridek hech qo'lga o'rgatib bo'lmay, har qanday xavfiga tayyorligi uchundir.


Asar o'zbek yigitining or-nomusi, do'stiga, oilaga sadoqati, mardligi haqida. Masalan, Bo'ri polvon o'g'li



Tilovberdi bilan davrada kurash tushayotib, unga yon bosmaydi. Bu

otaning mardligidan. Yigit kishi kuchini ko'chada behudaga sarflamay, xalq oldida halol kurashib, barchaga ko'rsata olishi kerak. Haqiqiy er yigitning joyi — gilam. Asarlaringizni o'qib, angladimki, inson chin dildan yaxshi ko'rgan narsasi haqida hadeb gapiraverib, siyqasini chiqarmaydi. Qachonki yuragi to'lib, hislari jilovlab bo'lmay darajaga yetgandagina uni oskhor etadi. Boshqa asarlaringizga ham to'xtalmoqchi edim-u, ammo fikrimdan qaytdim. Keling, yaxshisi, maktubimni qisqaroq qilyay, xuddi siz kabi.

Bunyod ABDULLAYEV



BUKLANGAN SARIFA

Inson qanchalik odil bo'lsin, qanchalik tanti bo'lsin, baribir... baribir o'z yurti, o'z eliga tortar ekan... Alp — otadan, 301 — onadan-da! Uzoqlarga qarab yashaymiz-u, oyog'imiz ostidagi gavharini ko'rmaymiz. Bo'ri polvon davra aylandi. Davraga murojaat etdi: — Xaloyiq! — dedi. — Davrada halol o'lishib, elga tomosha ko'rsataylik! Haq-nohaqni men — o'zim ajrim qilaman! Aytganingim — degan! Davradagi Bo'ri polvon so'zini tarafdoshlik, g'irromlik, ostina-og'aynigarchilikka yo'l qo'yman! Bo'ri polvon intiq bo'lib yashadi. Momoqiz oldiga borishga yuragi betlamadi. Favqulodda Nasim Momoqizga... odam qo'ydi! Non sindirildi! Buni eshitgan Bo'ri polvon yarasiga tig' tekkan benomday seskanib, ingrab yubordi! — Xaloyiq, so'zini eshitding! Bolalar, ko'p talato'p qilma, gapni-gapga qo'sh olaman! Xaloyiq, manavi tik jelak kiygan so'z jasoratlik Tilovberdi polvon! Buni shu rchilik Maksim polvon! Aytib qo'yman! Yaxshi, Maksim polvon master sport! Samovar ham olganmiz, polvon? Eshitingiz-a, xaloyiq? Maksim polvonning samovari yo'q ekan! Bu ikki polvoniga polvonning samovari yo'q ekan! Bu ikki polvoniga bir go'sam serka, bir juft uchlamchi kalish, besh so'm pul qo'yildi! Har bandaning ko'ka o'z yulduzi bo'ladi, oshna. Shu yulduzning yongani — shu bandaning yongandir. Shu yulduzning o'ngani — shu bandaning o'ngandir. Yulduzning hali yonadi! Davralarim hali davom etadi! Nevralarim davralarda: "Yo, bobomning Nevralarim davralarda: "Yo, bobomning piri!" — deya ayirib-ayirib olishavera-di! Yulduzim mangu yonadi!

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Oxirgi vaqtda turli tashkilotlar o'rtasida memorandumlar imzolananayotgani haqida ko'p eshityapmiz. Bu hujjat qanday xarakterga ega, tomonlarga muayyan majburiyatlar yuklaydimi? Umuman olganda, ikki tashkilotning o'zaro manfaatli hamkorlik olib borishi uchun memorandum imzolash qanchalik muhim?

Doston OQILOV Toshkent shahri



BILASIZMI?



Detektiv janrining o'lmas tipsollaridan biri — Sherlok Xolms o'yab tomlangan personaj emas. Ingliz yozuvchisi Artur Konan Doyl mashhur izquvar obrazini hayotdan olgan. Xolmsning prototipi shifokor Jozef Bell edi. Konan Doyl u bilan shaxsan tanish bo'lgan. J. Bell Edinburg qirolik hospitalida xizmat qilardi. Hamkasblari va bemorlarining aytishicha, zukko hakim insonni bir ko'rishdayoq u qayerdan va qanday ulovda kelgani, turmush o'rtog'i kimligi hamda kecha qanday ovqat tanovul qilganini bexato aytib bera olar ekan.

Muntazam qatnovni amalga oshiruvchi samolyotlar belgilangan manzilga eng qisqa yo'ldan uchmaydi. Bu o'ziga xos xavfsizlik chorasidir. Samo marshruti havo harakatini boshqarish tizimi tomonidan tegishli geografik koordinatalar asosida tuzib chiqiladi. Bu laynerlarni bir-biri bilan to'qnashish hamda xavfli hududlarga tushib qolishdan saqlaydi. Bundan tashqari, samolyotlarning zaxira aerodromidan uzoqlashish masofasi ham chegaralangan. Masalan, ikki dvigatelli havo kemasi uchun bu ko'rsatkich ikki soatdan oshmasligi kerak. To'rt dvigatelli laynerlarga esa, vaqtni tejash maqsadida okean ustidan uchishga ruxsat beriladi. Ob-havo noqulay kelgan taqdirdagina ular traektoriyasini o'zgartirishi mumkin.



Savolga Yosh huquqshunoslar kengashi mutaxassisi Nodir JUMAYEV javob beradi:

— "Memorandum" atamasi lotin tilidan kelib chiqqan va "yodda tutish kerak" degan ma'noni anglatadi. Xalqaro huquqda memorandum yuridik kuchga ega hujjat sifatida tan olingan. Bunday hujjatlar davlatlar o'rtasida muayyan sohada kelishuv mavjudligini anglatadi va o'sha davlat hukumatlarining mazkur sohada qarashlarini ifodalash uchun tuziladi.

Darhaqiqat, bugungi kunda memorandum imzolash amaliyoti nafaqat diplomatiya, balki turli davlat idoralari va jamoat birlashmalari, nodavlat notijorat tashkilotlar faoliyatida ham kuzatilyapti. Lekin u majburiy xarakterga ega emas. Tashkilotlar aniq bir ijtimoiy sohada o'zaro hamkorlikni yo'lga qo'yayotganida o'z maqsad va vazifalari musharakligini belgilab olish maqsadida memorandum imzolaydi.

Shuni ham eslatish kerakki, odatda dunyo tajribasida o'zaro hamkorlik haqida shartnoma qiluvchi tomonlar avval memorandum shaklida maqsad va vazifalarini belgilab olib, keyinchalik hamkorlikni kengroq yo'lga qo'yish hamda aniq majburiyatlarini belgilash maqsadida alohida shartnomalar tuzadi.

KICHIK TADQIQOT

"O'N IKKI MAQOM" — MONUMENTAL ASAR

Musiqa asoslangan adabiy turkumni o'zbek va tojiklar — maqom, uyg'ur — muqom, turkmanlar — mug'am, deb ataydi. Ushbu ulkan asar asosan g'azal janridagi she'rardan tarkib topgan.

O'zbek mumtoz musiqiy merosining betakror ko'rinishi — "Shashmaqom"ni ulug' hozirlarimizdan Ota Jalol, Ota G'iyos, Hoji Abdulaziz Abdurasulov, Mulla To'ychi Toshmuhamedov, Ma'murjon Uzoqov, Yunus Rajabiy, Jo'raxon Sultonov, Orif Alimshomov, Fattohxon Mamadaliyev, Komiljon Otaniyozov, Orixon Hotamov, Tavakkal Qodirov, Otajon Xudoyshukurov qoyilmaqom jiro etgan.

Mahmud Koshg'ariyning "Devon-u lug'otit turk" asarida g'azal, maqom, kuy ma'nosida "yir" atamasi qo'llanilgan. Shuningdek, xalq og'zaki ijodi namunasi ifodalovchi forsha "doston" atamasi o'tmishda yir yoki jir, uning do'mbira jo'riligida kuylangan shakli esa, jirov, deb yuritilgan.

Xitoyda yashagan qadimgi ajdodlarimizning musiqa san'ati haqidagi ilk eslatmalari VII asrga oid "Suysu" ("Suy sulolasi tarixi") asarida uchraydi. Kitobning musiqaga bag'ishlangan

bo'limida VII asrning ikkinchi yarmida yashagan xonanda, usulchi va musiqashunos — Sujupning besh bosqichli hamda yetti tizimli kuy chalish qoidasini ishlab chiqqani to'g'risida ma'lumot keltirilgan. Keyinchalik bu qoidalar Xitoy san'atida keng qo'llanildi.

VIII asrning boshida Sharqiy Turkistonda maqomlarning dastlabki ko'rinishi — "Cho'ng nag'ma" ("Katta maqom") yaratilgan. "Yuan sulolasi xotiralari"da qayd qilinishicha, Tan sulolasi davrida Markaziy Osiyoda musiqaning notali turi ham paydo bo'ladi.

XVI asr musiqashunosi Qodirxon Yorkendiy "Nozik nuqta" asarida zamondosh maqom ijrochilari haqida yozadi. Bu inson qashqar rubobini isloh qilib, hozirgi holatga keltirgani hamda sakkiz torlik hashtar, deb ataluvchi yangi musiqa asbobi yaratgani bilan mashhur. Manbalarda qayd qilinishicha, uning shogirdlari orasida nafaqat Xuroson va Eron, balki xorazmlik talabalar ham bo'lgan.



Maqomda yashagan o'zbek va uyg'urlarning maqomlari "Roq", "Chapbayot", "Mushavirak", "Chorgoh", "Panjgoh", "O'zhal", "Ajam", "O'shshoq", "Bayot", "Navo", "Segoh", "Iroq" deb nomlanuvchi o'n ikki musiqiy asarni o'z ichiga oladi. Hammasi bo'lib

360 ta kuy. Kuylar asosan Lutfiy, Sakkokiy, Navoiy, Mashrab, Zaliliy, Novbatiy, Huvaydo, Nizoriy, G'arbiy g'azallarga bastalangan.

Har bir maqom "Cho'ng nag'ma", "Doston nag'ma" va "Mashrab nag'ma" nomli uchta katta bo'limdan iborat. Asarning boshlanishi "marg'ul" atamasi ishlatiladi. Uni "ovoz qaltirab yangrashi", "jivalanish", "to'lqinlanib sado berish" ma'nolarida sharhlash mumkin.

O'n ikki maqomning faqat bittasini ijro etish uchun ikki soat vaqt talab qilinadi. To'liq ijro uchun esa, 24 soat kerak.

Yuqorida ta'kidlanganidek, "O'n ikki maqom" tarkibida ko'plab o'zbek klassik shoirlari she'rlari bilan aytildigan qo'shiqlar borki, bu holat O'zbekiston va Xitoy xalqlari madaniy meroslarining musharak ekanidan dalolat beradi. Demak, bugungi san'atshunos olimlar ushbu monumental asarni o'rganishi, chuqur tadqiq etishi maqsadga muvofiq.

Davron NURMURODOV, xalq ta'limi a'lochisi

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehriroz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodezh Uzbekistana"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodezh Uzbekistana")

Navbatchi

Boboravshan G'oziddinov

Dizayner

Xurshid ABDULLAYEV


Tahririyat manzili: 100083, Toshkent.

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74.

(71) 233-95-97.

(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma tabloq.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203

Bahosi kelishgan narxda.

Buyurtma G-41

Adadi — 21650

Bosilgan topshirish vaqti — 21.00

Topshirildi — 00.50

O'zA yakuni — 23.05